



ОЛИМПИА ЎЙИНЛАРИГА ТАЙЁРГАРЛИК ИШЛАРИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев 3 май куни ёзги Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик жараёнига оид тақдимот билан танишди.

Япония пойтахти Токио шаҳрида бўлиб ўтадиган мазкур нуфузли мусобақага спортчиларимизни тайёрлаш учун кенг шароит яратилган эди. Юқори малакали мутахассислар жалб қилиниб, юзлаб ўқув-машгулотлар ташкил этилди. Бугунги кунгача спортчиларимиз ёзги Олимпия ўйинларига 41 та, Паралимпия ўйинларига 16 та йўлланма олган.

Тақдимотда Олимпия ва Паралимпия ўйинларига тайёргарлик ҳолати танқид қилиниб, қоникарсиз деб баҳоланди. Май-июль ойларидаги мусобақаларда яна йўлланмаларни қўлга киритиш учун спортчилар ва уларнинг жамоасини қўллаб-қувватлаш зарурлиги таъкидланди. Спортчиларга хизматларни кучайтириш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Федерациялар фаолиятини такомиллаштириб, жалб қилинган малакали спорт менежерлари билан бирга олимпиадачиларнинг жисмоний, тиббий ва психологик ҳолатини яхшилаш учун ҳар бир спорт тури бўйича алоҳида дастурлар ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

ЎЗА

ДИЛ ИЗҲОРИ

ҚАЛБИДА ЭЗГУЛИК БОҒИ БОР МИЛЛАТ

ЁХУД “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” БОҒИГА ҚАДАЛГАН ИЛК НИҲОЛЛАР ҲАЙРАТИ



Маҳмуд ТОИР,
Ўзбекистон халқ шоири

Боғу роғлар барпо этиб, ҳам ўзига, ҳам элга ризку насиба тутишни кўзлаган инсоннинг, аввало, қалбида эзгулик булоғидан сув ичиб ўсган боғи бўлади. Шукрим, умрини, ҳаётини хуш ниятларга бахш этиш, изидан яхшилик ва гўзаллик қолдириш бизга бобомерос фазилат, момомерос ҳислат.

Бирига хос яратилиш тарихи, тавсифи, мақсади, гўзаллиги, зийнати буюк бобокалонимизнинг замондошлари ва тарихчилар томонидан ёзиб қолдирилган. Ҳазал мулкнинг султони Алишер Навоий ҳам ўз бобокалонининг эзгу анъанасини ифтихор билан давом эттирган — Ҳиротда афсонавий боғлар бунёд қилган. Шоҳ ва шоир бобомиз Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўз юртида барпо этиш армон бўлган боғларни Ҳиндистонда яратиб, унинг илк ниҳолларини балки юрт соғинчида тўққан кўз ёшлари билан суғоргандир... Нима бўлганда ҳам, аждодларимиз индик қони тўқилган, қадами етган жойларни обод қилган, яшнатган.

Сўзимиз аввалида айтганимиздек, улғў ота-боболаримизнинг юрагида яшнаб тургучи боғлари бўлган. Улар аввал илму маърифат боғини яратган. Зеро, руҳи озод, дили обод одамнинг онгу тафаккурида чаманлар гуркираб тураверади. Улар илму ҳикмат ниҳолни қалбдан-қалбга кўчириб экади. Чунки қўлдан-қўлга ўтганининг эгаси қўп, дилдан-дилга ўтгани эса завоп билмайди. Шу боис, буюк боболаримиз илм истаб яшаган — элу юрт дарди, тинчлиги, давлат бошқаришдан ортиб, китоблар мутоала қилишга ҳам вақт топган. Уқиб ўқиган. Яна қўлларида қалам тушмаган.

▶ Давоми 6-бетда

3 МАЙ — ЖАҲОН МАТБУОТИ ЭРКИНЛИГИ КУНИ

Биз бугун ҳуқуқий демократик давлат кураётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас талаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур. Бу мезонларнинг энг асосийси — холислик ва ҳаққонийликдир. Бинобарин, матбуот майдонига кирган инсон — у журналист бўладими, блогер бўладими, бундан қатъи назар — ана шу қоидаларга амал қилиши шарт.

Шавкат МИРЗИЁЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти

“ОЛТИН ҚАЛАМ”НИНГ ОЛТИН СОЛНОМАСИ

САҲИФАЛАРИГА ЭНДИ

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” НОМИ ҲАМ МУҲҶРЛАНДИ



Кеча пойтахтимиздаги “Туркистон” саройида журналистика соҳасидаги “Олтин қалам” XV миллий мукофоти учун халқаро танлов ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. 3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган ушбу танловнинг мунтазамлигида, афсуски, ўтган йили кучайтирилган карантин сабаб ўзилиш кузатилган эди.

Маълумки, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Журналистларни қайта тайёрлаш маркази қатор ташиқлотлар билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак

ютуқларини кенг оммалаштириш, оммавий ахборот воситалари ходимлари фуқаролик позицияларини намоён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий-таҳлилий мушоҳада ва ижодий

фаолиятга янгича ёндашувларни шакллантириш ҳамда рағбатлантириш мақсадида мазкур халқаро танловни ўтказиб келади.

▶ Давоми 2-бетда

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистондан Ҳиндистон халқига инсонпарварлик ёрдами етказилди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев топшириғига кўра, жорий йил 1 май куни Дехли шаҳрига инсонпарварлик кўмаги етказилди.

Мобиль кислород концентраторлари тўпламлари, эҳтиёж юқори бўлган турли дори воситаларидан иборат инсонпарварлик юклари Дехли аэропортида мамлакатимизнинг Ҳиндистондаги Фавқуллоҳда ва мухтор элчиси Дилшод Аҳатов томонидан мазкур мамлакат Қизил хоч жамияти ва Ташқи ишлар вазирлиги расмий вакилларига топширилди.

▶ Давоми 3-бетда



ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

МОДЕРНИЗАЦИЯ, ИННОВАЦИЯ ВА ТРАНСФОРМАЦИЯ

МЎЛЖАЛЛАНГАН МАРРАЛАРГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ ҚИСҚА ВА САМАРАЛИ ЙЎЛИ



Нефть-газ кимёси — қўшимча қиймат яратадиган, экспортда катта ўрин тутадиган тармоқ. Ушбу йўналишда хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаб, иқтисодий самарадорликни таъминлаш мақсадида кўплаб лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Президентимиз ўтган йил 25 ноябрь куни нефть-газ кимё саноатидаги истиқболли лойиҳалар ҳолатига оид тақдимот билан танишган эди. Мазкур лойиҳалар самарасида 4,1 миллиард доллар қийматидаги маҳсулотлар ишлаб

чиқарилиб, 1,1 миллиард долларлик импорт ўрни тўлдирилиши ва 1,45 миллиард долларлик экспорт таъминланиши мумкин. Жами 6 минг 500 га яқин иш ўрни яратилиши режалаштирилган.

▶ Давоми 4-бетда

ҚИЁСИЙ РАҚАМЛАР

ЎЗБЕКИСТОНДА
САБЗАВОТ ЕТИШТИРИШ МИҚДОРИ



Манба: Давлат статистика қўмитаси



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

3 МАЙ — ЖАҲОН МАТБУОТИ ЭРКИНЛИГИ КУНИ

“ОЛТИН ҚАЛАМ”НИНГ ОЛТИН СОЛНОМАСИ

САҲИФАЛАРИГА ЭНДИ “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” НОМИ ҲАМ МУҲРЛАНДИ

Бошланиши 1-бетда

Кейинги йилларда миллий медиа соҳани ривожлантириш борасида кўплаб амалий ишлар бўй кўрсатди. Сўз ва матбуот эркинлиги учун тобора кўпроқ имкониятлар яратилди. Айни дамда эркинлик масъулиятини ҳис этиш масаласи ҳам долзарб аҳамият касб этаётир. Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 27 июндаги “Оммавий ахборот воситалари мустақиллигини таъминлаш ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари ахборот хизматлари фаолиятини ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, медиа соҳада янги тизим яратилди.

Маълумотларга кўра, айни пайтда мамлакатимизда 1минг 800 ортиқ ОАВ фаолият кўрсатмоқда. “Олтин қалам” миллий мукофоти танловидан ўтган йиллар мобайнида 7 мингдан ортиқ журналист 107 мингга яқин ижтимоий аҳамиятга молик ишлари билан қатнашди. 290 нафардан кўпроғи танлов ғолиби бўлди.

Жорий йилги танловга 430 нафар журналист уч мингдан ортиқ ижодий иши билан иштирок этди. Тақдим қилинган ишлар сўзга масъулият ва ифода маҳорати, журналистнинг фуқаролик позицияси, танқидий-таҳлилий мушоҳада, юксак профессионализм, ижода янгича ёндашув каби мезонлар асосида баҳоланди.

— Ўтган йили пандемия туфайли бутун дунёда бўлгани каби юртимизда ҳам турли соҳаларда режалаштирилган аксарият ишлар, режалар амалга ошмай қолди. Шу жумладан, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган “Олтин қалам” Миллий мукофоти халқаро танлови ҳам кейинга қолдирилган эди. Жорий йилда ижодкорларнинг мазкур кўригини ҳар



Ҳаним Йўлдошева олган сурат.

йилдагидек кўтаринки руҳда ўтказилишига ҳаракат қилинди, — дейди Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Холмурод Салимов. — “Олтин қалам” танлови ижодий парвозларга даъват қилади, рағбатлантиради. Шу ўринда, давлатимиз раҳбари томонидан кўрсатилаётган эътибор туфайли миллий матбуотимизда ҳам кескин бурилишлар, ўзгаришлар даври бошланганини айтиб ўтиш жоиз. Бугунги оммавий ахборот

воситалари бундан 4-5 йил олдинги даврдан тубдан фарқ қилади. Шаффофлик, очиклик тамойилига асосланган сўз эркинлиги, ошқоралик журналистларимизнинг қаламини кун сайин чархламоқда.

“Туристон” саройида журналистика соҳасидаги “Олтин қалам” миллий мукофоти XV танлови ғолибларини тақдирлашга бағишланган тадбир ҳаяжонларга бой бўлди. Меҳнати ва заҳмати, изланиш ва тадқиқотлари,

ижод намуналари ва истеъдодлари эътироф этилган ҳамкасбларимиз қувончларини яширмади.

Танловнинг асосий — “Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот” (телевидение), “Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио), “Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма нашрлар), “Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика) ва “Чет эллик журналистнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун” номинацияларининг барча ғолиблари муносиб тақдирланди.

Бундан ташқари, рағбатлантирувчи номинацияларда “Инсон ҳуқуқлари мазсуидаги энг яхши материал”, “Энг яхши фоторепортаж”, “Энг яхши матбуот хизмати” ва бошқа ҳамкор ташкилотлар, хорижий элчихоналар томонидан таъсис этилган кўлаб мукофотлар ҳам ўз эгаларини топди.

Танловнинг бош совринига эса икки жамоа — Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган ислохотларни кенг ёритиш, газетда эълон қилинган долзарб таҳлилий, танқидий материаллар жамоатчилик эътиборини қозонгани учун “Янги Ўзбекистон” газетаси ҳамда юртимиз ички ва ташқи сиёсатини кенг ёритиш, Ўзбекистоннинг халқаро миқёсдаги имижини оширишга қўшган ҳиссаси учун “Дунё” ахборот агентлиги лойиқ топилди. Ғолибларга мукофотни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Бехзод Мусоев топширди.

— Бугун ижод аҳлига, қаламкашларга яратилаётган шарт-шароитларга жавобан жамоамиз азозлари юртимизда Президентимиз бошчилигида олиб борилаётган туб ислохотларнинг, ўзгаришларнинг моҳиятини яхши

англаган ҳолда меҳнат қилмоқда, — дейди “Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари Бош муҳаррири Салим Дониёров. — Янги Ўзбекистоннинг янгича қарашлари намоиши сифатида ахборот майдонига тушган “Янги Ўзбекистон” ижтимоий-сиёсий газетаси жамоаси қисқа вақтда ўз овозига эга бўла олди. Орадан бир йилдан зиёд вақт ўтди. Ҳатто пандемиянинг оғир шароитида ҳам таҳририят фаолиятини бир дам бўлсада сусайтиргани йўқ. Албатта, янги нашр, янги жамоа, вазибалар улкан, масъулият катта. Бундай шароитда осон бўлмаслиги, ўқувчилар эътиборини қозониш мушкул. Лекин тинимсиз ҳаракатлар, изланишлар туфайли газета жамоаси эришган ютуқлар билан бугун ҳақли равишда фахрланамиз. Бугунги юксак мукофот эса бу йўлда бизга янада ғайрат, илҳом ва жўшқинлик бағишлайди. Ушбу навбатдаги муваффақият биз билан бир қаторда масъулиятли юкни ортмоқлаб келаётган, бизни кўлаб-қувватлаб турган кўпсонли муаллифларимизнинг, қолаверса, муштарийларимизнинг ҳам ютуғидир. Учинчи Ренессанс — миллий тарақиётимизнинг учинчи босқичи пойдевори яратилаётган айни дамларда янада фаол бўлиш ОАВ ходимлари зиммасига катта масъулият юклайди. Шунинг баробарида, янги ўзгаришларга гувоҳлик ва дахлдорлик ҳар биримизни руҳлантиради, куч-ғайрат бағишлайди, янги марралар сари чорлайверади.

Демак, “Олтин қалам”нинг олтин солномасига энди “Янги Ўзбекистон” таҳририятининг номи ҳам муҳрланди.

Нодир МАҲМУДОВ,
“Янги Ўзбекистон” муҳбири

ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА “ОЛТИН ҚАЛАМ” XV МИЛЛИЙ МУКОФОТИ ҒОЛИБ ВА СОВРИНДОРЛАРИ

I. ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА БОШ МИЛЛИЙ МУКОФОТИ:

“Янги Ўзбекистон” газетаси

Бош муҳаррир: Салим Дониёров

Президент Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган янгиликлар жараёнлари, ислохотлар самаралари кенг ёритилгани, газетда эълон қилинган долзарб, таҳлилий-танқидий руҳдаги материаллар жамоатчилик эътиборини қозонгани учун

“Дунё” ахборот агентлиги

Директор: Садриддин Суяров

Ўзбекистон Республикасининг ички ва ташқи сиёсати мазмун-моҳиятини кенг ёритишга, халқаро ҳаётда мамлакатимиз илминини оширишга қўшиб келаётган ҳиссаси учун

II. АСОСИЙ НОМИНАЦИЯЛАР ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (ТЕЛЕВИДЕНИЕ):

1-ўрин: Улуғбек Раҳмонкулов

«O'zbekiston 24» телеканали «Таҳлилнома» ахборот-таҳлилий дастурлар бўлими бош муҳаррири

Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси доирасида олиб борилаётган кенг қўламли ислохотларнинг самараларига бағишланган туркум ахборот-таҳлилий дастурлари, махсус репортажлари учун

2-ўрин:

1. Жаҳонгирхон Олимов

“Sevimli” телеканали муҳаррири

Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар жараёни билан боғлиқ кенг қўламли ишлар ёритилган теледастурлари учун;

РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ МУКОФОТЛАР УЧУН НОМИНАЦИЯЛАР

ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ МАВЗУИДАГИ ЭНГ ЯХШИ МАТЕРИАЛ УЧУН:

Равшанбой Шодиев

“Ўзбекистон овози” газетаси бўлим мудири Инсон ҳуқуқлари ҳимояси ва суд-ҳуқуқ мавзусидаги материаллари учун

“ЭНГ ЯХШИ ФОТОРЕПОРТАЖ УЧУН” НОМИНАЦИЯСИ:

Оқил Гулямов

Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги — ЎЗА Фотоахборот таҳририяти фотомухбири Ижтимоий-иқтисодий соҳадаги долзарб таҳлилий ёритилган фотоматериаллари учун

“ЭНГ ЯХШИ МАТБУОТ ХИЗМАТИ” НОМИНАЦИЯСИ:

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги матбуот хизмати Агентлик Жамоатчилик ва оммавий ахборот воситалари билан алоқалар бўлими бошлиғи — директорнинг матбуот котиби — Севара Зокирова

Агентлик фаолияти ошқоралигини таъминлаш, матбуот анжуманлари самарадорлигини ошириш борасидаги ташкилотчилик фаолияти учун

“ОЛТИН ҚАЛАМ” МИЛЛИЙ МУКОФОТИ УЧУН ХАЛҚАРО ТАНЛОВ ДОИРАСИДА МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР НОМИНАЦИЯЛАРИ

Миллий ҳамкорлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

2. Тухтатош Мамадалиева Самарқанд вилояти телерадиокомпанияси катта муҳаррири

Худудларда амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларнинг самараларини қисқий ёндашулар асосида очиб беран “Биз томонларда” номли туркум кўрсатувлари учун.

3-ўрин:

1. Гулмира Мусажонова

“Madaniyat va ma'rifat” телеканали катта муҳаррири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган маънавий-маърифий ислохотлар, жамиятда ижтимоий-маънавий муҳит барқарорлигини таъминлаш мавзуларидаги туркум кўрсатувлари учун;

2. Сардор Собиров

Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар университети талабаси, Халқаро пресс-клуб аъзоси

Юртимизда кечаётган ислохотлар жараёнида ёшларни кўлаб-қувватлаш мавзусида “Халқаро пресс-клуб”да тайёрланган туркум телемаҳсулотлари учун.

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (РАДИО):

1-ўрин: Наргиза Кулматова

“Ro'ytaxt-Inform” радиоканали муҳаррири “O'zbekiston online” информацион дастурлари ва тайёрланган репортажлари, тиббиёт соҳасидаги кашфиётлар ва амалий тавсияларга бой “Соғлом ҳаёт” дастури учун

2-ўрин: Артиккул Аимбетова

ЎзМТРК Қорақалпоғистон телерадиокомпанияси бош муҳаррир ўринбосари “Илим раужлану тиреги”, “Мамлекетлик бағдарлама ҳаракети”, “Махалла баслығи — реформатор” дастурлари ва эшиттиришлари учун

3-ўрин:

1. Нафосат Турсунбоева

Жиззах вилояти телерадиокомпанияси муҳбири

Республикамиздаги турли масканлар ва дипломатия инсонлар ҳақидаги “Мафтуркор диёр” номли эшиттиришлар туркуми учун;

2. Нозима Тошпўлатова

“O'zbekiston 24” телеканали катта муҳаррири “Меҳр” операциясига бағишланган туркум материаллари, “Муҳим мавзу” ва “Фикрлар майдони” эшиттиришлари учун.

ЭНГ ЯХШИ ЖУРНАЛИСТИК МАТЕРИАЛ УЧУН (МАТБУОТ)

1-ўрин:

1. “Hurriyat” газетаси жамоаси

Бош муҳаррир: Абдурашул Жумакулов

Ўзбекистонда сўз эркинлигини таъминлаш йўлидаги долзарб, таҳлилий, танқидий руҳдаги материаллари учун;

2. “Ma'rifat” газетаси жамоаси

Бош муҳаррир: Хусан Нишонов

Таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар мазмун-моҳияти, самаралари, ўсиб келаётган авлодни ҳар томонлама баркамол тарбиялашга қаратилган таҳлилий материаллари учун.

2-ўрин: Сергей Левченко

“Народное слово” газетаси муҳбири

Мамлакатимизда амалга оширилаётган сиёсий, ижтимоий-иқтисодий ислохотларга оид танқидий-таҳлилий, долзарб туркум мақолалари учун

3-ўрин:

“Ёшлик” журнали таҳририяти

Бош муҳаррир вазиғасини бажарувчи:

Нурилло Чориев

Ихтиёржон Сиддиқов — Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси Ахборот маркази “Замон” ахборот таҳлилий дастури лойиҳаси муҳбири.

5. “ЛУКОЙЛ ЎЗБЕКИСТАН ОПЕРЕЙТИВ КОМПАНИ” МЧЖ:

“Инвестиция — нефть ва газ соҳасини ривожлантиришнинг асосий механизми” мавзусига бағишланган энг яхши материал учун

Обид Шабанов — Бухоро вилояти телерадиокомпанияси радио гуруҳи муҳаррири.

ХАЛҚАРО ҲАМКОРЛАР

6. ЕВРОПА ИТТИФОҚИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ:

1. “COVID-19 нинг Ўзбекистонга таъсири” мавзусидаги энг яхши материал учун;

Санжар Эшмуродов — “Hamshira” журнали адабий ходими;

2. “Ўзбекистонда халқаро ҳуқуқ меъёрларининг имплементацияси”

Анора Содиқова — “Рост-24.уз” янгиликлар сайти муҳаррири.

7. ЕВРОПАДА ХАВФСИЗЛИК ВА ҲАМКОРЛИК ТАШКИЛОТИ:

“Терроризмга олиб борувчи зуравонлик экстремизми, радикаллаштиришнинг олдини олишга қаратилган ҳаракатлар ёритилган энг яхши материал учун”

Наргиза Юнусова — “human.uz” сайти муҳбири.

8. ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ:

1. “Хитой — Ўзбекистон икки томонлама ҳамкорлигининг самаралари ҳақидаги энг яхши материал учун”

ўртасидаги алоқалар ривожига қўшаётган ҳиссаси учун

2-ўрин:

1. Атобек Ғоибов

(Тожикистон Республикаси) Тожикистон Республикаси ҳукумати қўшидаги Телевидение ва радио қўмитаси “Овози тожик” радиоси ўзбек бўлими катта муҳаррири

Ўзбек-тожик маданий, ижтимоий-иқтисодий алоқаларини тарғиб этувчи кўрсатувлари, радиоэшиттиришлари ва мақолалари учун

2. Биргит Ветцель

(Германия Федератив Республикаси) “NDR” телерадиокомпанияси, “Deutschlandfunk” радиостанцияси ва “Zentralasien-Analysen” журналининг Марказий Осиё бўйича иқтисодий эксперти

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар кенг ёритилган материаллари учун

3. Дилшода Раҳматова

(Россия Федерацияси) “Sputnik” ахборот агентлигининг Ўзбекистондаги муҳбири

Ўзбекистон ва Россия Федерацияси ўртасидаги стратегик муносабатлар ҳақидаги материаллари учун

4. Жасин Биркенов (Қозоғистон Республикаси) “Хабар” телеканали бош муҳаррири

Мўйноқда амалга оширилаётган ислохотлар, Ўзбекистонда пандемия даврида аҳолига кўрсатилаётган кўмак, Ўзбекистон ва Қозоғистон муносабатларига бағишланган туркум репортажлари учун

Наргис Қосимова — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети доценти;

2. “Хитой тўғрисидаги энг яхши материал учун” Абдували Сайбназаров — “Ўзбекистон-24” радиоканали шарҳловчиси.

9. АМЕРИКА ҚЎШМА ШТАТЛАРИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ:

“АҚШ — Ўзбекистон дипломатик муносабатлари ёритилган энг яхши материал учун”

Беруний Алимов — Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети доценти; Абдулло Абдулбоқиев — “Ньюс.уз” сайти муҳбири.

10. ТУРКИЯ РЕСПУБЛИКАСИНING ЎЗБЕКИСТОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИ:

1. “Ўзбекистон ва Туркия ўртасида туризмни ривожлантириш масалаларига бағишланган энг яхши материал учун”

Фарида Эгамбердиева — “Даракчи.уз” сайти муҳбири; 2. “Туркия ва турк маданияти ҳақидаги энг яхши материал учун”

Шарофиддин Тўлаганов — “Ўзбекистон-24” радиоканали шарҳловчиси.

3. “Туркия ташқи сиёсати ҳақидаги энг яхши материал учун”

Собиржон Ёқубов — “Хабар.уз” сайти муҳбири

11. ГЕРМАНИЯ ТАШКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИНИНГ “ЯШИЛ МАРКАЗИЙ ОСИЁ” ДАСТУРИ:

“Иқлим ўзгаришининг Ўзбекистон экологиясига таъсири масалалари бўйича энг яхши материал учун”

Зарипов Карим — “Даракчи” газетаси муҳбири.

СЎЗ — ТАНЛОВ

СОВРИНДОРЛАРИГА

БУ ДИЁРГА МЕНИНГ

МЕҲРИМ БЎЛАКЧА

Рузубай АКУРЕН,
“Чет эллик журналистларнинг Ўзбекистон ҳақидаги энг яхши материали учун” номинацияси,
1-ўрин, “Business Turk” журнали бош муҳаррири (Туркия):

— Ота юртим Ўзбекистон томони-
дан маънавий аҳамияти бемисл “Олтин
қалам” мукофотининг менга тақдим
этилгани учун фурсатдан фойдаланиб,
авваламбор, Ўзбекистон Республикаси
Президентига, давлатига, қимматли қар-
дошларим — ўзбек халқига, уларнинг
Туркиядаги вакили бўлган Ўзбекистон
элчисига энг самимий миннатдорлик,
қалб ташаккурларимни билдираман.
Ўзбекистон миллий мустақиллигининг
30 йиллиги арафасида, бугунги дунёда
шиддатли ўзгаришлар бўлаётган бир
даврда мен учун бу мукофот уфқларни
ёритган ёрқин бир зиё, самимий секинч
ҳамда буюк ифтихор манбаси бўлди.
Ўзбекистон — менинг Ота юр-
тим! Аждодларим, бобокалонларим

Бухорои Шарифда униб-улгайган, олий
даражада таълим, таҳсил олган, ат-
рофидагиларга ҳам илм берган қадим
турклардандир.
Мен ҳам уларнинг изидан, кўрсат-
ган йўлларидан юриб, турк дунёсининг
маданият ва маърифат бешиги бўл-
ган Ўзбекистонни кенг тарғиб этишни,
қаламим ва қалбим билан бу йўлда
хизмат қилишни ўзим учун бир ибодат
иши, деб биламан. Бу йўналишдаги
фаолиятимни катта ҳаяжон ва муҳаб-
бат билан давом эттирмоқдаман.
Журналистик фаолият олиб бо-
раётганимга яқинда тахминан 27 йил
бўлади. Мен бу фаолиятимдаги илк
мақолаларимда Ўзбекистонни — Имом
Бухорий, Имом Термизий, Самарқанд

ва Бухорони қаламга олган эдим. Ҳо-
зир, хусусан, мазкур мукофотни олган
кунларим ҳам бу буюк имомларимизни,
оламшумул мутафаккир Алишер На-
воийни, жаҳонда тенгсиз Амир Темур-
ни дунёга, афкор оммага таништириш-
ни ўзимга катта бир шарафли вазифа,
деб билмоқдаман.
Бундан кейинги фаолиятимда ҳам
Ўзбекистонга бўлган меҳримни намоён
қилишда давом этаман, иншааллоҳ. Бу
мамлакатни кенг жамоатчиликка, тур-
кий дунё давлатларида турли нуқтаи
назарлардан янада яқинлаштириш мен
учун ҳаёт тарзидир, бир муҳаббат ва
севги амалидир. Яна такрор ва такрор
бу мукофот учун ўз миннатдорлигимни
билдираман ва раҳмат айтаман.

ЭЛНИНГ КЎЗИ,

СЎЗИ БЎЛИШ — ШАРАФ

Абдуҷалол ТАЙПАТОВ,
ЎзА бош муҳаррири, “Олтин қалам” Миллий мукофоти
танлови совриндори:

— Журналистика билан шугўлла-
на бошлаганимга қирқ йилдан ошди.
1981 йили Қарши ҷулида янги ташкил
этилган Баҳористон туман газетасида
иш бошлаганман. Уйимдан — Чироқ-
чи туманининг Кўқдала қишлоғидан
150 километр ҳамаси йўл босиб, ҳар
ҳафта ишга бориб келардим. Кейин
Қашқадарё вилоят газетасида малака
осирдим. Сўнг “Ишонч” газетасининг,
ЎзАнинг Қашқадарё вилояти бўйича
муҳбири бўлиб ишладим.
Ҳаётимнинг қарийб йигирма йили
ЎзА билан боғлиқ. Ёшим элликдан ош-
ганда Тошкентга келдим. Ҳозир мен
бошқараётган Сиёсат ва янгиликлар
бош тахририятида йигирмага яқин ҳо-
дим ишлайди. Қар бири бир олам, бир
дунё. Улар билан ишлаш мароқли.
Давр шитоби тез, оммавий ахбо-
рот воситаларига талаб ҳам ўзгариб
боряпти. Аммо журналистиканинг

азалий мезонлари ўзгармаган. Бу
холислик, ҳаққонийлик, адолат, ма-
ҳорат ва ҳалоллик. Шу мезонларга
амал қилсангиз, доимо ҳамкасб-
ларнинг, элнинг назарида турасиз,
хурматингиз баланд бўлаверадиди.
Журналистнинг ҳақ сўзига ҳамма
даврларда талаб бўлган, бугун эса
бу талаб минг чандон ошган. Шун-
дай экан, мақсадимиз шу элга, юрт-
га, Ватанга ҳалол, пок, сидқидилдан
хизмат қилиш.
Ўзбекистондаги энг яхши ёзадиган,
қалами ўткир барча журналистлардан
ниманидир ўрганганман. Айни пайтда
ёшларга тажрибаларимни ўргатяпман.
Ёш ҳамкасбларимдаги шижоатга ҳавас-
им келади. Мана шу шижоат маҳорат
билан уйғунлашса, ижобий самара бе-
риши аниқ.
Халқимиз журналистларга ишона-
ди. Айниқса, бугун Президентимиз

раҳбарлигида барча соҳаларда и-
слохотлар олиб борилаётган даврда
қалам ахлига ишончи яна ҳам ортди.
Шундай экан, бу ишончга муносиб бў-
лиш, элнинг кўзи, сўзи бўлиш — ша-
раф! Соҳамизда маълум бир йўналиш-
га ихтисослашган профессионалларга
талаб ошмоқда. Мен купроқ ижтимоий,
маънавий-маърифий мавзуларда ёз-
гим келади.
ЎзАда иш одатда ярим тунда тугай-
ди. Навбатчилар гуруҳи — ижодий ва
техник ходимлардан иборат йигирма
чоғли ходим ишдан сўнг уйга қайтиш
учун бинодан чиқканда уларнинг юзла-
рига разм соламан. Бироз чарчоқ бору,
аммо руҳан тетик. Ҳазил-хузул билан
хайрлашамиз. Шунда сезаман: ўз иши-
ни яхши кўрадиган, унга ҳаётини ба-
ғишлаган бундай жамоа билан қанча
ишласанг ҳам чарчоқ ҳис қилмайсан!
Ўз ишини чин дилдан севадиган,
унга бор меҳру муҳаббатини бағишла-
ган, меҳнатдан қочмайдиган инсонлар
эса маълум бир натижаларга эришади.
Ҳаётдан чиқарган асосий хулосам ва
ёшларга айтадиган гапимнинг мағзи шу.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

Ўзбекистондан Ҳиндистон

халқига инсонпарварлик

ёрдами етказилди

Бошланиши 1-бетда

Ҳиндистон ташқи ишлар вазирлиги
Евроосиё департаменти директори
ўринбосари Бандару Вилсонбабу Ҳин-
дистондаги жорий санитар-эпидемио-
логик ҳолат кескин оғирлашган бир
вақтда Ўзбекистон раҳбарияти томо-
нидан биринчилардан бўлиб инсон-
парварлик ёрдами юбориш ҳақида қар-
ор қабул қилингани Ўзбекистоннинг
халқаро ҳамжамият олдида фаол ҳам-
корлик ва ўзаро қўллаб-қувватлаш та-
моиллирига содиқ эканини намоёнли
этиш билан бири, Ўзбекистон ва Ҳин-
дистон ўртасидаги мавжуд стратегик
шерикчилик алоқаларининг амалдаги
яққол исботи эканини эътироф этди.
“Бугун дўст ва биродар Ўзбекистон
халқи томонидан жўнатилган инсон-
парварлик юқларини қабул қилиб ол-
моқдамиз. Ўзбекистон ва Ҳиндистон
азал-азалдан яқин қўшни, синалган
дўст ва ҳамкор давлатлар ҳисоблана-
ди, — деди Ҳиндистон вакили. — Мам-
лакатларимиз аънавий равишда
турли масалаларда бир бирини доимо
қўллаб-қувватлаб келган ва бугун Ўз-
бекистонлик дўстларимиз томонидан
кўрсатилган инсонпарварлик ёрдами
халқларимизнинг самимий дўстлиги,
бир-бирига бўлган ишончи ва ҳурмати-
дан далолат беради. Фурсатдан фойда-
ланиб, Ўзбекистон раҳбарияти ва хал-
қига ушбу мураккаб ва оғир дамларда
ҳинд халқига кўрсатилган олижаноб кў-
мак учун самимий миннатдорлигимизни
билдирамиз”.



Ҳиндистоннинг Ўзбекистондаги
элчихонаси ушбу мамлакат ҳуку-
мати ўз вақтида кўрсатилган ёрдам
учун миннатдорлик билдирганини,
Ўзбекистон Президенти Шавкат
Мирзиёев топириғи билан бу оғир
дамда фавқулодда ёрдам сифати-
да юборилган материаллар самим-
ий хайрихоҳлик белгиси сифати-
да кадрланишини маълум қилди.
Пандемия инқироzi даврида гума-
нитар ҳамкорлик Ҳиндистон ва Ўз-
бекистон ўртасидаги алоқаларнинг
муҳим йўналишларидан бири экани
алоҳида таъкидланди.
Эспатиб ўтамиз, Ҳиндистон 2020
йилда Ўзбекистонга COVID-19 билан
оғриган одамларни даволаш учун

ишлатиладиган тиббий препарат-
лар, жумладан, гидроксиклорокин
таблеткалари ва бошқа дори-дар-
монлар юборган эди. 2021 йилнинг
март ойида Ўзбекистон COVAX та-
шаббуси доирасида Ҳиндистон зар-
доб институту томонидан ишлаб
чиқарилган 660 минг доза вакцинани
қабул қилиб олди.
1 май куни Ўзбекистон томонидан
етказиб берилган инсонпарварлик
ёрдами Ҳиндистоннинг қатор етак-
чи оммавий ахборот воситаларида,
хусусан, “Times of India”, “ANINews”,
“ZeeNews” ва бошқаларда кенг ёри-
тилди.

“Дунё” АА
Дехли



МУНОСАБАТ

АВИАЦИЯ СОҲАСИДА МИЛЛИЙ КАДРЛАР

ЭНДИ ЮРТИМИЗДА ҲАМ ТАЙЁРЛАНАДИ



Одил АБДУРАҲМОНОВ,
Тошкент давлат транспорт университети ректори

Ўзбекистоннинг очкичлик ва шаффофликка, хорижий
мамлакатлар билан самимий ва конструктив мулоқотга асосланган
ташқи сиёсати транспорт дипломатияси орқали такомиллашиб,
янгича мазмун билан бойимокда. Халқаро муносабатлардаги
дўстона кайфият юртимизни ҳамкор давлатлар билан боғловчи
транспорт йўлагини, тизимли логистика тармогини ишга
туширишни талаб этади. Бу жараёнда сифатли авиация қатновини
ташқил этиш ҳам муҳим ўрин тутadi.

Бугун бир ҳақиқатни очиқ-ошкор айт-
сак бўлади. Шу пайтгача Ўзбекистонда
авиация мактаби бўлмаган. Авиация
факультети бор эди, лекин унда учувчи-
лар эмас, фақат техник хизмат кўрсатув-
чи мутахассислар тайёрланган. Мурак-
каб пайтларда мамлакатимизда учувчи
етишмаслиги боис, чет элдан мутахас-
сис чакиртирилган. Ваҳоланки учувчи-
ларнинг ойлиги жуда яхши. Беш-ўн минг
АҚШ доллари атрофида маош олади.
Олдин сараланган мутахассислар
учувчиликка ўқиш учун Россиянинг
Санкт-Петербург шаҳрига юборилган.
Ҳар бир учувчининг таълими учун 25
минг доллардан 100 минг долларгача
маблаг сарфланган. Бироқ улар ҳам
юртимизга кичик ҳажмли самолётлар
учувчиси бўлиб қайтиб келган. Кейин
халқаро тоифа олиши учун қайтадан
авиакомпаниянинг Ўқув-тренажёрлик
марказига юборилган.

Давлатимиз раҳбарининг шу йил 30
апрелдаги “Фуқаро авиацияси корхо-
наларини трансформация қилиш ва
қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари
тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, Фран-
ция Фуқаро авиацияси миллий мактаби
(ENAC) билан биргаликда Тошкент дав-
лат транспорт университети таркибиди
Фуқаро авиацияси учувчиларини тай-
ёрлаш мактабининг ташқил этилиши
юртимизда миллий учувчиларни тайёр-
лаш имкони беради.

Франция фуқаро авиация миллий мак-
таби замонавий ускуналар ва самолёт
тренажёрлари билан жиҳозланган. Бу де-
гани ҳамкорликда ўқитиладиган фуқаро
авиацияси учувчилари замонавий ўқув
тренажёрларидан фойдаланиб таълим
олади ва дунёда тан олинмадиган учувчи-
лик лицензияларига эга бўлади.
Ўқув жараёни “2+2” тизими асосида
биринчи ва иккинчи ўқув йили Тошкент
давлат транспорт университетида олиб
борилади. Таълим жараёнига универси-
тетимизнинг етакчи ўқитувчилари ҳамда
ҳаво кемалари инструктор-учувчилари
жалб қилинади. Талабалар учинчи ва
тўртинчи ўқув йилини Франциянинг Фуқа-
ро авиацияси миллий мактабиди ўтади.

Дастлабки жараёнда талабалар
битта — “Ҳаво кемаларининг пар-
воз эксплуатацияси” таълим йўнали-
ши бўйича таҳсил олади. Унга қабул
квотаси 25 та этиб белгиланган. Ўқув
жараёни инглиз тилида олиб бори-
лиши сабабли абитуриентлар чет ти-
лини билиш даражаси тўғрисидаги
халқаро сертификатни тақдим этади.
Сўнгра талабгорлар махсус низом
бўйича тиббий қўриқдан ва касбий
лаёқатлилиқ бўйича суҳбатдан ўтади.
Бу жараёндан муваффақиятли ўтган
абитуриентлар тест синовларига ки-
ритилади. 25 нафар талаба дастлаб
университетимизда таҳсил олади.
Икки йиллик таҳсил ва тиббий қўрик
хулосаларига кўра, 20 нафари Фран-
цияда таълимни давом эттириши учун
Фуқаро авиацияси миллий мактабига
юборилади. Танловдан ўтолмаган та-
лабалар ҳудудий авиакомпаниялар
учун тайёрланади.

Ўқув жараёни назарий ва амалий
қисмлардан иборат бўлади. Ҳар бир
босқичда назарий билимлар амалий
машғулотларда мустақамлаб бори-
лади. Жараён компьютер, самолёт
тренажёрлари ҳамда тўлиқ парвоз си-
муляторларида, шунингдек, ўқув само-
лётларида ўтказилади. Бу эса битирув-
чиларнинг бевосита касбий фаолиятга
тез киришиб кетишига муҳим омил бў-
либ хизмат қилади.

Таълим фаолиятига ўз фанини му-
каммал билган ўқитувчилар жалб қи-
линади. Ўқув жараёни инглиз тилида
ташқил этилишини айтиб ўтдик. Демак,
педагогларимиз ҳам чет тилини етарли
даражада билиши шарт.
Ҳозир фуқаро авиацияси учувчи-ла-
ри муҳандислик ихтисослигига эга бў-
лиши талаб этилади. Чунки бортдаги
мураккаб ускуналардан фойдаланиш
учун нафақат назарий, балки амалий
қўникмалар ҳам зарур. Амалий машғу-
лотлар ўқув йилининг дастлабки икки
йилида Тошкент давлат транспорт
университетида ташқил этилади. Шу
боис, олдимизда янги таълим йўнали-
ши учун талаб қилинадиган жиҳозлар-
ни харид қилиш ва ўрнатиш масаласи
турибди.

КЎНГИЛДАГИ ГАПЛАР

НИЯТЛАРИМИЗ ИЖОБАТ БЎЛДИ



Жумагул ТУРДИЕВА
Бувайда тумани “Янги ҳаёт”
маҳалла фуқаролар йиғини

ҳар бир инсон ўз уйига эга бўлса,
кўнглида хотиржамлик, ишида унум,
баракка бўлади. Оилада фаровонлик,
соғлом муҳит ҳукм суради. Буни мен
ўз ҳаётим мисолида кўриб, бошдан
кечирдим.
Фаргона вилоятининг Бувайда ту-
мани “Янги ҳаёт” маҳалла фуқаролар
йиғинида яшаймиз. Турмуш ўртоғим
ёлпизма ишчи. Бир кун иш топилса,
эртаси куни топиламлиги мумкин.
Оилада уч фарзандни вояга етказяп-
миз. Мен анча пайт болалар тарбия-
си билан банд бўлдим. Хуллас, рўз-
гордан орттириб бошлана қуришга
имкон топа олмадик. Уй-жой қуришга
ёрдам сураб, юқори идораларга қил-
ган мурожаатларимиз узоқ йиллар жа-
вобсиз қолди. Шу тарика етти йил киш-
логимиз ҳудудидаги “Сувоқова” ДУКга
қарашли сув хавзасидаги каталакдек
хонада яшаб келдик.
Йиллар давомида ўз уй-жойимизда
эмин-эркин яшашни орзу қилдик. Бо-
рига шукр қилиб, турмуш муаммолари
барҳам топишини умид билан кутдик.
Ва ниҳоят дилдан қилинган ниятларимиз
амалга ошди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев
ташаббуси билан уй-жойга муҳтож, кам
таъминланган оилаларни қўллаб-қувват-
лаш, ижтимоий ҳимоялаш йўлида олиб
борилаётган амалий ишлар тўғрисида
замонавий уй-жойга эга бўлдик. Аҳолисини
бундай қўллаб-қувватлайдиган мамла-
катлар дунёда камдан-кам топилади. Ўз
уй-жойи бор оилада доимо хотиржамлик,
хурсандчилик ҳукм суради. Бундай му-
наввар кунларга еганимиздан бугун кўн-
глимиз осмон қадар юксалди.
Амалий ёрдам, қўллаб-қувватлаш
ишлари уй ҳада қилиш билан поёнига
етгани йўқ. “Ағробанк” туман бўлими
томонидан берилган имтиёзли кредит
ҳисобида 4 бош қўй сотиб олдик. Қўй-
ларимиз қўзилади. Пахта йигим-терим
мавсумида маблаг жамғариб, бир бош
бузоқ харид қилдик. Шундай қилиб хў-
жалигимизда оилавий чорвачилик тар-
моғи ҳам ривожланмоқда. Рўзгоримиз
бўт, эмин-эркин яшаш бахтига муяссар
бўлди.
Бундай юксак эътибор, ғамхўрлик-
лар учун Президентимиздан кечиксиз
миннатдорман. Юртимиз тинч, осмони-
миз мусаффо бўлаверсин.



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news

ТАҲЛИЛ ВА ТАҚҚОС

МОДЕРНИЗАЦИЯ, ИННОВАЦИЯ ВА
ТРАНСФОРМАЦИЯ

МЎЛЖАЛЛАНГАН МАРРАЛАРГА ЭРИШИШНИНГ ЭНГ ҚИСҚА ВА САМАРАЛИ ЙЎЛИ

Бошланиши 1-бетда

Истиқболли лойиҳалар доирасида Бухоро нефтни қайта ишлаш заводини модернизация ва реконструкция қилиш ишлари ҳам олиб борилмоқда. Унинг қиймати 553 миллион доллар бўлиб, уч босқичда амалга оширилади. 2025 йилга келиб, заводда нефть ва газ конденсатини қайта ишлаш ҳажмини йилга 2,5 миллион тоннагача оширишга имкон беради.

ЖИЙДА ГУЛИНИНГ ҲИДИ

Ўтган ҳафта ниҳоясида “Ўзбекнефтьгаз” АЖ томонидан ташкил этилган пресс-тур туфайли Қоровулбозор томонга йўл олди. Аввалги икки тасмалли асфальт йўл икки баробарга кенгайган. Эътиборлиси, йўл бўйидаги саксовулзорлар қалинлашиб, айрим жойларда ўрмонзорларга хос манзара касб этган. Заводга яқинлашган сайин, ўзингизни ҳудди дов-дарахтлар билан қопланган ям-яшил гўшага кириб бораётгандай ҳис қиласиз ва “сахродаги мўъжиза”, “чўл қўйнидаги гўзал бўстон” каби азалий иборалар ёдингизга келаверади. Унинг ичкарасидаги маъмурий ишлаб чиқариш бинолари атрофидаги қалин дарахтзорларни, майсазорларни кўриб, дилингиз яйраб кетади. Тўғриси, яқин-яқингача бу ерлар қум тўзонлари кўз очирмайдиган, сароб ўйнаб ётган ял-яйдоқ чўл бўлгани бизга ҳамроҳлик қилаётган ёш ҳамкасбларимизнинг ҳаёлига келмайди.

— Заводимиз ҳудудига эллик мингдан кўпроқ мевали ва манзарали дарахтлар экилган, — дейди корхона бош эколого Абдурахмон Расулов. — Уриқ, олма, беҳлар ҳосилга кирган. Уларнинг ҳар бири ҳисобда, эътиборда.

Бу ерда элас-элас таралаётган ажиб бир ҳид диққатимизни тортиди. Дарахтзорлар қўйнидаги жийдалар гуллаган экан. Аслида у қуроқчил жойларни ҳам писанд қилмай ўсади. Шу боис, корхона ҳудудига ва Нефтьчи шаҳарчаси атрофидаги майдонларга экилган минглаб жийдалар таровати кўзни қувонтиради.

Завод ишчи-хизматчилари яшайдиган шаҳарча ҳам ашиллиқка бурканган. Бу ерда улар учун 700 дан ортиқ икки қаватли коттежлар, ҳавас қилгулик муҳташам маданият саройи, спорт-соғломлаштириш мажмуаси, мактаб, болалар боғчаси, савдо, майиш хизмат кўрсатиш марказлари барпо этилган. Айниқса, истироҳат боғидаги 12 гектарлик сунъий кўл ёзда болажонларнинг энг мароқли жойларидан бирига айланади.

— Президентимизнинг Бухорога ҳар бир таширфи ҳаётимизга кўллаб янгилик, рушноликлар олиб келади, — дейди Абдурахим Расулов. — Уларнинг бирида заводимизни модернизация қилиш йўллари кўрсатиб берилган бўлса, яна биридаги топириқ бўйича Нефтьчи шаҳарчасидаги барча коттежлар уларда яшаётганларга бепул хусусийлаштириб берилди. Қанчалик қувонганимизни, Президентимиз ҳақиқига дуолар қилганимизни сўз билан таърифлай олмайман. Унга қадар йигирма йилдан бери ҳамма шароити бор уйларда яшаётганимизга қарамай, эртага нима бўларкан, деган ўй кўнглимизни тирнаб турарди. Мана



энди, эртанги кундан, фарзандларимизнинг тақдиридан кўнглимиз тўқ. Биламизки, эзгу амалларнинг савоби ундан-да, улуғ бўлади.

Шаҳарча аҳолисининг аксарияти заводда ва унга ёндош муассасаларда меҳнат қилади. Ўтган йиллар давомида бу ерда ҳудди тобора чуқурроқ илдириб, ҳосилга кирган дарахтлар каби оилавий сулолалар ҳам вужудга келган. Хусусан, Абдурахмон Расуловнинг турмуш ўртоғи лаборатория таҳлилчиси, ўғли муҳандис, қизи тиббиёт-санитария бўлимида ҳамшира бўлиб ишлайди...

РИВОЖЛАНИШНИНГ
ҚЎШ ҚАНОТИ

Завод фаолияти билан таништириш жараёнида энг кўп тилга олинган сўз бу — модернизация ва инновация бўлди. Аслида корхонанинг ривожига қўш қанот бўлаётган бу жараёнга Президентимизнинг 2016 йил 28 сентябрдаги “2016-2020 йилларда углеводород ҳомашёсини чуқур қайта ишлаш негизида экспортга йўналтирилган тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарори тамал тоши қўйган эди. Унга асосан, Бухоро НКИЗда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифатини жаҳон талаблари даражасига етказиш



мақсадида технологик қурилмаларни модернизация қилиш ва қайта дастурлаш ишлари олиб бориш белгиланган берилди.

Бу борада Жанубий Кореянинг “SK Engineering” билан ҳамкорликда чуқур таҳлил қилиш, шу асосда лойиҳалаш ишлари олиб борилди. “Ўзбекнефтьгаз” АЖ ва мазкур компания ўртасида имзоланган шартномага кўра, лойиҳанинг қиймати 553 миллион долларга баҳоланган ва 2025 йилга келиб, заводда “Евро-5” стандартидаги 1,2 миллион тоннагача бензин, 200 минг тонна авиакеросин, 750 минг тонна дизель ёқилғиси ва 30 минг тонна мазут ишлаб чиқарилади.

Таассуфки, пандемия шароитида ушбу режалар ҳаритасига ўзгаришлар киритишга тўғри келди. Коронавирус, айниқса, “Евро-4” ва “Евро-5” дизель ёқилғиси технологияларини жорий этиш жараёнида муайян мураккабликларни юзага келтирди.

— Карантин туфайли Франциянинг “Axens” компанияси мутахассислари газойлнинг тозалаш қурилмиси катализаторини алмаштиришда иштирок эта олмади, — дейди Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи бош муҳандиси Бахтиёр Мустафоев. — Шу боис, 13P01 технологик реакторидидаги янги катализик тизимни “Axens” схемаси бўйича ўзимизнинг мутахассислар саъй-ҳаракати билан онлайн асосида ўрнатишга тўғри келди.

Натижада 2020 йил 30 март куни Ўзбекистон тарихида биринчи марта “Евро-4” ва “Евро-5” синфидаги экологик тоза дизель ёқилғиси ишлаб чиқарилди. Улар халқаро стандартларга тўлиқ мос келади ва экспортга йўналтирилган маҳсулотга айланади.

Албатта, бу катта ютуқ. Чунки евро-стандартларга жавоб берадиган маҳсулотларни тайёрлаш жаҳондаги кўплаб нефтни қайта ишлаш корхоналари учун энг олий орзу ҳисобланади. Лекин бизни ундан ҳам кўпроқ ўзбекча “QuWatt” номи остида ишлаб чиқарилаётган бензин қизиқтиради. Маълумки, одамларнинг дардига дармон бўлсин, деган мақсадда фармацевтика соҳасида шундай ном билан дори-дармонлар ҳам тайёрланади. Хўш, бу ёқилғи қайси жиҳатлари билан нефть маҳсулотлари орасида ўзига хос мавқега эга, яъни рақобатдош бўлиши мумкин?

— “QuWatt” бренди остида АИ-95 русумидаги автобензин ишлаб чиқариш ишлари Германиянинг “BASF SE”



компанияси билан ҳамкорликда йўлга қўйилди, — дейди заводнинг инновацион технологияларни жорий қилиш бўлими бошлиғи Рустам Ҳожиёв. — У, энг аввало, двигателларда тозаликни мукаммал сақлаб, клапанларда ҳосил бўладиган қатлам микдорини 4 миллиондан оширмайди. Иккинчидан, двигатель қувватини кучайтиради ва ёқилғини 3 фоизгача тежайди. Яна бир муҳим жиҳати, мазкур бензинни ташшиш ва сақлаш жараёнларида занглашга йўл қўймайди.

Шу йилнинг январь ойидан бошлаб, “QuWatt” бренди остидаги АИ-95 русумидаги автобензин ишлаб чиқариляпти ва республика товар-ҳомашё биржаси орқали сотиляпти.

Хабарингиз бор, айни пайтда Қашқадарё вилоятида барпо этилаётган “Uzbekneftgaz GTL” заводини қуриш ва ишга тушириш ишлари сўнгги босқичга кирган. Бу ерда “GTL” синтетик керосини, нафтаги ва дизель ёқилғиси ҳам ишлаб чиқарилади. Бу, ўз навбатида, бошқа корхоналарнинг ривожига ҳам ўзининг ижобий таъсирини қўрсатиб, кластер тизимда ишлашга замин ҳозирламоқда. Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи ҳам тез орада ана шу заنجирнинг муҳим ҳалқаларидан бирига айланади.

Завод директори Акбар Фозилонинг таъкидлашича, “Uzbekistan GTL”да тайёрланадиган синтетик керо-

син компонентларини жалб қилиш орқали корхона ишлаб чиқаришини кенгайтириш лойиҳаси амалга оширилмоқда. Маҳсулотни қабул қилиш, сақлаш ва аралаштириш учун муҳандислик коммуникациялари, насос станциясининг реконструкцияси, қўшимча қуйиш-тўкиш эстакадаси билан бирга, 2 донга 5000 куб метр ҳажмли сигим қурилиши кўзда тутилган. Айни пайтда сигимлар ўрнатилган, уларнинг пойдеворини янада мустаҳкамлаш юмушлари олиб бориляпти.

Мазкур жараён билан танишар эканмиз, юртимиз саноат салоҳиятини юксалиб бораётганига, аниқроқ айтганда, рақобатдош инновацион лойиҳаларни бажара олиш имкониятини кенглигига яна бир қарра амин бўлди. Хусусан, ҳар бири беш минг тонна маҳсулотни сақловчи металл сигимлар Чирчиқдаги Нефтьгаз ва кимё машинасозлик заводи томонидан тайёрланган бўлса, “Ўз-АД-1” русумли адсорбентлар Инновацион ривожланиш вазирлиги қўмағи

асосида нефть маҳсулотларини сотиш жорий этилди. Яъни Президентимизнинг 2020 йил 4 апрелдаги “Нефть-газ тармоғининг молиявий барқарорлигини ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига мувофиқ, завод томонидан ишлаб чиқариладиган автомобиль бензини ва дизель ёқилғиси биржа савдоларида жаҳон биржаларидаги Brent нефти котиروқчаларига боғлаб қўйган ҳолда, шаклланган бошлангич нархларда қўйиб борилмади.

Дарвоқе, пресс-тур давомида синов тарикасида қурилмалардан бирида газ сизиб чиқиши пайтида рўй берадиган авария ҳолати бўйича ўт ўчириш, қутқариш, тиббиёт ва бошқа хизматларнинг амалий машғулотли ўтказилди. Тревога сигнализидан кейин қурилма ёнида ўрнатилган, шу заҳоти етиб келган ўт ўчириш машиналаридан шиддат билан сув пуркала бошланди, газга қарши мослама кийган ўнлаб қутқарувчилар техник минорага чиқа кетди. “Тез ёрдам” ҳам ҳозир нозир бўлди...

Бир ҳамкасбимиз эътироф этганидек, ҳудди триллер-кинони кўрган-дек бўлди. Лекин бу “фильм” жонли, шундоқина кўз олдимизда рўй берди ва жалб этилган барча хизматларнинг ҳамжиҳатлиқдаги ҳаракатлари туфайли газнинг сизиб чиқиши қисқа фурсатда бартараф этилди, жабр кўрган мутахассисга ўз вақтида тиббий ёрдам кўрсатилди.

Ҳа, шундай. Синов тарикасида ўт-қазилган имитион муваффақиятли янкуланди. Лекин шу пайтда уларга яна бир “қўринмас ёв” — коронавирус таҳдид солиб турарди. Аҳамиятли томони, заводда карантин қоидаларига қатъий амал қилиниши баробарида унинг тарқалишига қарши қартилган “Биргаликда енгимиз!” дастури амалга оширилмоқда.

Ўтган йилги корхонада суяқ кислород ишлаб чиқариш йўлга қўйилиб, шифохоналарга етказиб берилиши минглаб кишиларнинг дардига дармон бўлса, Бухоро вилояти санитария-эпидемиология хизмати учун ПЗР лабораторияси (полимераз занжир реакцияси) учун ускуналар тўпламлари ҳада этилди ва бошқа тиббиёт муассасаларига манзилли ёрдамлар кўрсатиб келиняпти.

Қатрада қуёш акс этади, дейишади. Олган таассуротларимиз мисолида нефтни қайта ишлаш соҳаси ҳам янгилишни шиддатини ҳис этипти, десак янглишмаган бўламиз. Бинобарин, Фарғонадаги турдош корхонада ҳам модернизация қилиш чора-тадбирлари амалга оширилмоқда. 2023 йилга бориб унинг ишлаб чиқариш қуввати 2 миллион тоннага етади.

Корхоналар олдига ҳомашё базасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар таннариҳини тушириб, ички ва ташқи бозорда рақобатдошликни ошириш, халқаро молия бозорига муносиб кириб бориш каби масъулятли вазифалар турибди. Бунда модернизация, инновация ва трансформация — мўлжалланган марраларга эришишнинг энг қисқа ва самарали йўли ҳисобланади.

Абдурауф ҚОРЖОВОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

ТАДБИРКОРЛИК

СИФАТЛИ МАҲСУЛОТГА ХАРИДОР ТОПИЛАДИ

Усмонали НОРМАТОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири

Шеробод туманида янги корхоналар очиш, аҳоли бандлигини таъминлаш, шу йўл билан одамлар турмуш фаровонлигини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда. Ўтган йили туманда хорижлик ва мамлакатимиз ишбилармонлари ҳамкорлигида цемент заводи қурилиб, йил ўртасида маҳсулот ишлаб чиқарила бошланди. Юзлаб киши меҳнат қилаётган корхонанинг сифатли маҳсулотига харидорлар кўпайиб, бозорда аллақачон Шеробод цементининг ўз ўрни пайдо бўлди.

Туманнинг Кўхитанг тоғи қиялиқларида туташ Кампиртепа қишлоғи ҳудудида катта захирга эга қимматбаҳо гранит қони борлиги аниқланганига анча бўлди. Ўтган йили “Сурхон саноат қурилиш” компанияси ишбилармонлари таъсисчилигида “Комфорт инерт сервис” масъулияти чекланган жамиятининг гранит заводи қуриб ишга туширилган. Умумий қиймати 5,1 миллион АҚШ долларидан иборат лойиҳанинг дастлабки босқичида 3,1 миллион доллар эвазига Хитойдан технология келтирилиб, йилга 80 минг квадрат метр гранит ва габбро тоши қазиб олиниб, қайта ишланган.

Яқинда компания ишбилармонлари таъсисчилигида яна 2 миллион АҚШ доллари миқдоридан инвестиция ҳисобига қўшимча дасттоҳлар ўрнатилди ҳамда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми оширилди. Эндиликда корхонада йилга 300 минг квадрат метр гранит ва габбро ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Ишчилар сони 80 нафардан 200 нафарга етди.

Шунингдек, жорий йилнинг ўтган вақтида иморатлар айвони ва пойдевор қисmini безаш ҳамда пардозлашда ишлатиладиган 110 минг квадрат метр плита ва мебель саноати учун силлиқланган безакли тошлар



“Корхонада йилга 300 минг квадрат метр гранит ва габбро ишлаб чиқариш имконияти юзага келди. Ишчилар сони 80 нафардан 200 нафарга етди.

ишлаб чиқарилиб, вилоятдаги қурилиш объектлари етказиб берилди.

— Шу пайтгача иморатларнинг соқолига

ишлатиладиган, гранит ва габро тошдан тайёрланадиган пардоз плиталари Сурхондарёдаги қурилиш ташкилотларига Қирғизистон,

Қозоғистон ва Тожикистондан олиб келинган, — дейди “Комфорт инерт сервис” МЧЖ раҳбари Умид Зайдуллаев. — Импорт қилинган бу маҳсулотларнинг бир квадрат метри 47 АҚШ долларигача нархда харид қилинган. Корхонамиз цехларида тайёрланаётган пардоз плиталари ҳамда мебель саноати учун силлиқланган безакли тошларнинг бир квадрат метри 21 АҚШ долларига тўғри келяпти. Келгусида маҳсулотларимизни республикамизнинг бошқа вилоятларидаги қурилиш ташкилотларига етказиб бериш чорасини изляяпти.

Корхона цехларида ўрнатилган, тош қирқиш, гул босиш, тош силлиқлаш ва безак бериш каби вазифаларни бажарувчи 38 турдаги дасттоҳларда ишлашни маҳаллий ёшлар мукаммал ўзлаштирди. Улар ишлаб чиқариётган маҳсулотлари ҳажмига қараб муқофот ва маошига қўшимча устама оляпти. Корхона даромадидан ишчиларга ошхонада бепул овқат берилади, сменада чиққанлар уйларида корхона автобусида элтиб қўйилади ва ишга олиб келинади. Асосийси, бошқа туманлардан келиб ишлайдиган ишчилар учун қурилган замонавий ётоқхонада ҳамма қулайликлар муҳайё.

Хуллас, Шерободда фаолият кўрсатаётган мазкур корхонанинг ишга туширилиши ва кенгайтириш нафақат ишсизларнинг ишли бўлишига, балки туман бюджетининг бойишига ҳам хизмат қилляпти.

ЯНГИЧА ЁНДАШУВЛАР

ОВРУПО ЭНДИ БИР ҚАДАМ...

ТАДБИРКОР ЖАСУР АМИНОВНИНГ АМАЛГА ОШГАН ТАШАББУСЛАРИ ҲАҚИДА

Халқимизда асрлар синовидан ўтган ажиб бир матал бор: “Дехкон ёкканда, чўпон ўлганда тинади”. Тадбиркор қисмати ҳам шу — наинки бирор фасл, балки бирор кун, бирор дақиқа тиним йўқ. Ўз ишига фидойилик билан ёндашадиган, фақат даромад топишни эмас, бошлаган ишидан эл манфаатдор бўлишни ният қилган ишбилармонларга кўпроқ тааллуқли бу сифат.



Хоразм вилоятининг Хонқа туманида ташкил этилиб, бугун таърифи қитъалар ошган “RED STAR OXUS” масъулияти чекланган жамияти раиси Жасур Аминов ана шундай замондошларимиздан.

Жасурнинг “Меҳнат дафтарчаси”да атиги уч қатор ёзув қайд қилинган. 2008 йилда Тошкент давлат юридик институтини тамомлаган ёш ҳуқуқшунос бошқа курсдошлари каби прокуратура ёки суд тизимларида ишлашга интилмади. Фаолиятини Хонқа туманининг бир чеккасидаги “Хонқа паррандачилик” МЧЖда ҳуқуқшуносликдан бошлади. Кейинчалик мазкур МЧЖ “FEEDGRAN” агросаноат комплексига айлангач ҳам олий ўқув юртида олган билимларини мажмуанинг ҳамкорлар, банк тизими ва бошқа идоралар билан ҳуқуқий муносабатларини ташкил қилишга сарфлади.

Дарвоқе, мазкур йирик мажмуа ва кейинчалик ўзи ташкил қилган МЧЖ номини ҳам Жасурбек қўйлаб топган. Инглиз ва рус тилларини мукаммал биладиган ёш мутахассис аввалдан ишлаб чиқарган маҳсулотларини дунё бозорига сотишни ният қилган ва бунга корхоналар атамасини мослаб, тижорат рекламаси ўрнида фойдаланишни кўзлаганди.

Нияти холис эканин, бу орзуси бир йилдаёқ амалга ошди.

Шу ўринда мавзунини тўлдирish учун юридик маълумотга эга ёш мутахассиснинг тадбиркорликка қизиқтирган, бу борада устозлик қилган инсон ва у кишининг фаолияти ҳақида қисқачина тўхталиб ўтамиз.

Жасурнинг амакисини Давлат ака 55 ёшда. 1988 йилда Урганч қурилиш техникумини тугатгач, “Дурадгор” кичик корхонасини очиб, ҳудудда тамомила янгилик бўлган тадбиркорликни бошлаб берганлардан бири. Кейинчалик “Автосервис” кичик корхонаси, “Феруза Лада” фирмасини ташкил қилди. 1998 йилдан бошлаб паррандачилик соҳасини танлади.

Жасур иш бошлаган “Хонқа паррандачилик” МЧЖ ўз вақтида ва ҳозир ҳам вилоятдаги энг йирик мажмуа ҳисобланади. 350 минг парранда боқишга, тухум ва товук гўшти ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхонага Германиянинг “Biq Dutchman” компаниясидан жўжа ва она товук боқишга мўлжалланган энг сўнгги русумдаги технологик линиялар келтирилди. Ҳудудда қорвачилик ва паррандачилик фирмалари кўпая бошлагач, жониворлар учун омехта емни шу ернинг ўзида ишлаб чиқариш масаласи пайдо бўлди. Четдан келтириладиган омехта ем тайёр маҳсулот таннарахига таъбир қилиши кундек аён. Янгидан ташкил

қилинган “FEEDGRAN” МЧЖга шу мақсадлар учун Швейцариянинг “Бюлер АГ” компаниясидан омехта ем ишлаб чиқариш линиялари келтириб ўрнатилгани, бу ерда тайёрланган юқори калорияли, арзон омехта ем вилоят эҳтиёжини қоплаб, бошқа вилоятларга ва ҳатто қўшни давлатларга экспорт қилина бошланганига беш йил бўляпти.

Жамиятнинг халқаро майдонга чиқishi, ўзаро борди-келдиларда Жасур ҳам таржимон, ҳам малакали ҳуқуқшунос сифатида қатнашгани алоҳида бир мавзу. Бугун масъулияти чекланган жамият таркибидagi паррандачилик фирмасида ўттиздан ошиқ киши ишляпти. Ўтган йили 38 миллион дона тухум олинган ва ички бозорга чиқарилган. Харидорлар



талабларидан келиб чиқиб, корхона Урганч шаҳри ва Хонқа шаҳарчасида савдо дўконлари ташкил этган.

Амалдаги йилнинг дастлабки чорагидagi кўрсаткичлар бу йил тухум ишлаб чиқариш ҳар йилгидан кўпроқ бўлишини кўрсатмоқда.

“Уч йил муқаддам Президентимиз воҳага ташириқ чоғида иккимини ўзгарувчан вилоятимизда иссиқхоналар

қуриш ва сабзавот, мева ва ҳатто полиз маҳсулотлари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш таклифини ўртага ташлади, — дейди қаҳрамонимиз. — Шундан кейин барча туманларда иссиқхоналар қуриш бошланиб кетди. Оддий типдаги иссиқхоналар ҳам мўл ҳосил ва даромад олиш манбаи. Аммо ҳозир дунёда бу соҳада янги технологиялар амалиётга жорий қилиняпти. Амаким билан бу борада маслаҳатлашдик. Отам ўрнида оталик қилаётган бу инсон мени қўллаб-қувватлади. Моддий ва маънавий ёрдамини аямади.

Биз танлаган “бешинчи авлод технологиялари” номини олган иссиқхона тизими соҳада чинакам инқилоб дегани. Мисол учун, оддий иссиқхонада бир гектардан кўпи билан 150 тонна сабзавот олиш мумкин бўлса, янги технологиядаги иссиқхонада бу кўрсаткич 3-4 ҳисса кўпроқ. Бу ҳар бир қарич ердан максимум фойдаланиш дегани. Зеро, аҳоли сони ошиб бораётган, ер майдонлари қисқараётган ҳозирги даврда бу жуда муҳим! Президентимиз бу ғояни қўллаб-қувватлаб, вилоятда шу технологиялар асосида камида минг гектар иссиқхона ташкил қилиш вазифасини қўйгани бежиз эмас.

Жасур Аминов фойдаланишга топширган ва ҳозир ҳаммани ҳайратга солаётган янги типдаги иссиқхона қурилиши учун 206 миллиард сўм сарфлади. Бу маблағнинг 15 миллион АҚШ доллари Германия банкидан кам фоизли кредит эвазига олинган. Шу ўринда Жасур хорижийнинг машур сармоядор банклари ишончини қозонганини ва кредитларни вақтида қайтариш кафолати мавжудлигини ҳам айтиш керак.

Иссиқхонага қирган одам ҳайратдан ёқа ушлаши табиий. Энг кўпи билан икки-уч метр бўй тортадиган помидор қўчатларига кўзимиз кўникиб қолган. Бу ерда экилган помидор қўчатларининг бўйи 15-17 метр, баланд теракни эслатади. Ҳар бир түп қўчат деярли 30 килограмм ҳосил бериши фантастик

Red Star Oxus



кинолардаги лавҳаларни ёдга солиди. Пишиб этилган ҳосил махсус кўтаргичли техника ёрдамида йиғиб олинади. Гўё бутадан эмас, дарахтдан ҳосил тергандай.

Ҳосил қисқа фурсатларда шу ернинг ўзида узоқ сафарга шай турган совутгичли замонавий “фура”ларга ортिलाди. Маҳсулот сифати ҳам шу ернинг ўзида мутахассислар томонидан аниқланади, давлат стандартлариям шу ернинг ўзида берилади. Бошқача айтганда, Оврупо энди бир қадам. Хоразмдан йўлга тушган автомобиль тўхтамасдан кўхна қитъага йўл олиши мумкин.

Ҳар бири салкам йигирма тонна юк ташувчи автотранспортлар чегараларимиздан ортиқча қозғозбозликсиз ўтиб, белгиланган муддатларда манзилга етиб боради ва улардаги маҳсулотлар дўконлар пештахталарига чиқарилади.

Ишлаб чиқарувчи ва истеъмолчи манфаатлари кўзланган бу тизим ҳам Президентимиз ташаббуси билан амалиётга татбиқ этилди.

Бундан тадбиркор ҳам, истеъмолчи ҳам ютади. Халқаро ҳамкорларда ҳеч қандай эътирозларга ўрин қолмайди. Қолаверса, маҳсулот сифати мутлақо ўзгармайди.

2020 йил март ойида янги типдаги иссиқхонага илк уруғ экилганди. Орадан бир йил вақт ўтди. Ўтган давр давомида ички бозорга 934 тонна бодринг ва помидор чиқарилди. Бу тўрт ярим миллиард сўмдан ошиқроқ маҳсулот сотилди, дегани.

Илк ҳосилдан экспорт ҳажми ҳам чакки эмас. Ўтган бир йилда 1415 тонна

маҳсулот Россия ва бошқа давлатларга жўнатилди. 1 миллион 216 минг АҚШ доллари миқдорига валютаси жамият ҳисоб рақамига келиб тушди.

6 гектарли замонавий иссиқхонадан бир мавсумда икки минг тоннадан зиёд ҳосил олинган. Бу оддий турдаги иссиқхоналарда етиштирилган маҳсулотдан деярли икки ҳисса кўп!

Бир гектар пахта ёки бошқа қишлоқ ҳўжалиги экинчи қанча даромад келтириши мумкин? Яна сарф-харажатлари-чи! Агар бир гектар майдондан 3-4 тонна пахта етиштириш учун кетадиган техникаю бошқа харажатларини ҳисобласак, охир-оқибатда фермерга кўпи билан 3-4 миллион сўм пул қолади. Бир гектар иссиқхона эса бир мавсумда 3 миллиард сўмлик маҳсулот бермоқда.

Бу энди даромад минг қарра ошди, дегани!

Ҳали бу бошланиши. Вақт келиб, айнан юқорида эслатганимиз — орадаги нисбий фарқ бундан ҳам кўпайиши мумкин.

Иссиқхонада 50 киши ишляпти. Уларнинг 33 нафари хотин-қиз. Иш шариоти жаҳон андозаларга мос, маош ҳам юқори. Шу боис, бу иссиқхонага ишга киришни орзу қилганлар кўп.

“Янгиликнинг қаноти бўлади”, дейишади. Ёш тадбиркор Жасур Аминов бошлаган янгилик ўтган йил декабрда Президентимизнинг мазкур иссиқхонага таширифидан сўнг кенг қўл оч ёйди. Давлатимиз раҳбари вилоятда камида минг гектар шундай типдаги иссиқхоналар қуриш бўйича топшириқ берди. Жасур эса аллақачон ёндош ҳудудда янгидан шу типдаги саккиз гектарли иссиқхона қуриш ҳаракатига тушган, ҳокимлик ер майдони ажратиб, лойиҳани амалга ошириш бошланган.

Бошловчиларга ҳаммаша қийин бўлган. Нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ягона бўлган янги типдаги иссиқхона қуриш бошида турган тадбиркор елкасига бугун катта масъулият юклатилган. Президентимиз топшириғига кўра, янгидан барпо бўладиган бундай иссиқхоналар учун

мутахассислар, ишчиларни ўқитиш лозим. Шу боис, Жасур бу ишга ҳам бош-қош, иссиқхонасида ўқув маркази очяпти.

Икки йил олдин янгиликка қўл урган, орзусини бир йилда амалга ошириб, самарасини кўрсатиб берган тадбиркор бугун ёш бўлса-да, воҳадаги шу йўлни танлаётган юзлаб инсонларга мураббийлик, устозлик қилмоқда.

34 ёшда бундай шарафга мушарраф бўлиш — бахт!

Олдиндан тузилган режа қаҳрамонимизнинг бир кунли қозғога тушириш эди. Режамиз ақалга ошмади. Ёш тадбиркор ортидан улгура олмадик. Паррандачилик мажмуасида суратга олиш учун фотосуратчи қаҳирганимизда Жасурни вилоят ҳокимлигига чақириб қолишди. Вилоятда ўтказилиши режалаштирилган ярмаркада қатнашмиши ва таклифларини бериши керак экан.

Сўхбатимиз ҳам тез-тез бўлиниб турди. Унинг қўл телефони тўхтовсиз жиринглар, гоҳ узоқ Россияга жўнатилган маҳсулот ҳақида қимлар биландир мулоқотга киришарди. Инглиз тилидаги сўхбати мазмунига “тишимиз ўтмади”. Аммо тушундиқки, қайсидир хорижий ҳамкор билан муҳим масалани ҳал қилляпти.

Замонавий тадбиркорни Жасур мисолида кўрдик. Унга қойил қолдик!

Юртимиз бугуни ва келажаги учун фидокорлик кўрсатаётган Жасур каби тадбиркор замондошларимиз кўпайсин, деб тилак билдира олдик, ҳолок!

**Рўзимбой ҲАСАН,
“Янги Ўзбекистон” мухбири**

ТАЪЛИМ ВА ИСЛОҲОТ

ТИЗИМГА ЙЎНАЛТИРИЛГАН САРМОЯЛАР САМАРАСИ

МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС КАДРЛАР ФАОЛИЯТИДА АКС ЭТАДИ



Абдулла МАГРУПОВ, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкент шаҳридаги филиали ижрочи директори

Бугун таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантирмай туриб, ҳаётда юксак тараққиётга эришиб бўлмайди. Кейинги йилларда бу йўналишга алоҳида эътибор қаратилиб, ўттиздан зиёд ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинди. Буларнинг бари соҳада кенг қўламли ва чуқур ислохотлар кечаётганини кўрсатмоқда. Президентимизнинг 2020 йил 29 октябрдаги фармони билан тасдиқланган Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси ҳам ана шу эзгу амалларга ҳамоҳанг.

Бугунги кунда жаҳонда барча соҳаларда рақобат тобора кучайиб бормоқда. Ушбу рақобатда муносиб иштирок этиш, ҳаётнинг ўзи олдимизга қўяётган муаммоларни муваффақиятли ҳал қилиш, мамлакатимиз тараққиётини янги босқичга олиб чиқиш учун, аввало, кадрлар сифати муҳим аҳамият касб этади. Айниқса, илм-фан ва инновация соҳасида ўз билим ва истеъдоди билан янги уфқлар очиб, кашфиётлар қилишга қодир ёш олимлар, ихтирочи ва рационализаторлар, инновацион ғоялар муаллифларини, муҳандис ва менежерларни воғга етказишимиз лозим.



Иқтисодий ривожланиш ва унинг барқарорлигини таъминлашнинг муҳим омили бўлган салоҳиятли мутахассислар тайёрлаш бугуннинг устувор вазифаси. Шу боис, мамлакатимизда хорижий давлатлар етакчи олий таълим муассасаларининг филиаллари, қўшма таълим дастурлари асосида кадрлар тайёрловчи таълим тизими вужудга келмоқда. И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкентдаги филиалида ҳам таълим жараёнлари, илмий изланиш ва тадқиқотлар юқоридаги талаблар асосида йўлга қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 январдаги қарори билан ташкил этилган филиалнинг асосий вазифаси юртимизнинг нефть

ва газ тармоғи учун юқори малакали мутахассислар тайёрлашдан иборат. Ҳозирги кунда филиалда россиялик мутахассислардан ташқари, 49 нафар маҳаллий ўқитувчи фаолият кўрсатади, улардан 6 нафари фан доктори ва 24 нафари фан номзодидир.

Давлат гранти асосида ўқиган битирувчиларимиз республика нефть-газ саноати корхоналари ва ташкилотларида камида уч йил ишлаш шарти билан ишга тақсимланади. Айни пайтда филиал “Ўзбекнефтьгаз” акциядорлик жамияти таркибига киритилган. Бу эса, айниқса, сўнгги тўрт йил ичида олий таълим муассасаси билан “Ўзбекнефтьгаз” тизимидаги корхоналарнинг изчил муносабатларини йўлга қўйишга асос бўляпти. Ўтган йили жорий этилган дуал таълим тизими эса соҳа корхоналари ва олий таълим муассасаси ўртасида яқин ҳамкорлиқни янада кенгайтирмоқда.

Дуал таълим тизими юқори технологияли ишлаб чиқариш талабларига жавоб берадиган малакали кадрларни тайёрлаш воситаларидан биридир. Унинг афзаллиги — мутахассисларни тайёрлашда ўқув ва ишлаб чиқариш соҳаларининг ҳамкорлиги ҳамда битирувчиларни юқори даражада иш билан таъминлаш.

Россия давлат нефть ва газ университети Тошкент шаҳридаги филиали ҳамда “Ўзбекнефтьгаз” АЖ ўртасида 2020-2021 ўқув йилидан йўлга қўйилган ҳамкорлик асосида талабаларимиз ўқув жараёнидан ажралмаган ҳолда амалий машғулотларга киришди.

Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи, Газли, Муборак, Шўртан нефть ва газ қазиб чиқариш бошқармалари ҳамда “Ўзнефтьгаз бурғулаш ишлари” масъулияти чекланган жамияти каби тузилмалар билимга чанқоқ, ташаббускор кадрлар учун ўз эшикларини очди. Корхоналар негизда талабалар ўзларининг назарий-амалий билимларини ўстириш, касбнинг барча нозик сирларини ўрганиш имкониятига эга бўлмоқда.

Талабалар етук мутахассислар раҳбарлигида “Геологик қидирув технологияси”, “Нефть ва газ қудуқларини бурғулаш”, “Қудуқларни геофизик тадқиқ қилиш”, “Сейсмик тадқиқотлар”, “Нефть ишлаб чиқариш қувватларини ишлатиш ва техник хизмат кўрсатиш”, “Газ ишлаб чиқариш объектларини, газ конденсатини ва ер ости омборларини ишлатиш ва уларга хизмат кўрсатиш”, “Қувур транспорти тизимлари объектларини қуриш

ва таъмирлаш” каби йўналишларда амалий машғулотлар ўтамоқда. Бугун “Ўзбекнефтьгаз” АЖга қарашли ишлаб чиқариш майдонларида 260 нафар талаба ўқув жараёнини бевоасита амалиёт шароитида олиб бормоқда. Бу эса уларнинг келажақда жамият равақли ва саноат ривожини учун хизмат қиладиган етук мутахассислар бўлиб етишишида муҳим роль ўйнаши, шубҳасиз.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, “Учинчи Ренессансга бизни фақат сифатли таълим етказадиган”. Бугун талабаларимиз ана шу ҳақиқатни англаган ҳолда билим олиб, яқин келажақда юртимиз равақли йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилиш иштиёқи билан яшаяпти.



ДИЛ ИЗҲОРИ

ҚАЛБИДА ЭЗГУЛИК
БОҒИ БОР МИЛЛАТЁХУД “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” БОҒИГА
ҚАДАЛГАН ИЛК НИҲОЛЛАР ҲАЙРАТИ

Бошланиши 1-бетда

“Темур тузуклари” ёки “Зижи Кўрагоний”, Алишер Навоий Ҳазратларининг беқиёс ижодий мероси ва дунёнинг қарийб барча тилларига таржима қилинган “Бобурнома” сингари ўлмас асарлар бунга ёрқин мисолдир.

Тарихда кўп давр ва ўзгаришлар такрорланади, дейди дунё доғишлари. Шу нуқтага назардан қараганда, дунё илм-фани тараққиёти юз берган икки Ренессанс — Уйғониш даврининг навбатдаги босқичи учун юртимизда катта ҳаракатлар бошланди. Зеро, оққан дарё оқаверади.

Кейинги йилларда халқимиз ризолиги, саломатлиги, бахту саодати йўлида республикамизда кўплаб хайрли ишлар, бетақор бунёдкорликлар амалга оширилмоқда. Ён қувончлиси, бу яратиш, яшатиш ташаббуси кун сайин кенг қўл оқсатди.

Жорий йил май ойининг дастлабки кунлари юртимизнинг парламент ва ҳукумат аъзолари, Тошкент шаҳри

бошланиши ҳозирги улғайиб кунларига тўғри келгани ҳам ҳосиятли, деб ўйлайман”, деди Президентимиз.

Биз, ижодкорлар ҳам катта ният билан яратилаётган боғнинг илк ниҳолдан бирини экиш бахтига муяссар бўлаётганимиздан қувондик. Зеро, тинч одам, эртасига ишончи собит инсон боғ яратди.

Бундай боғларни бунёд этиш бизга боболаримиздан қолган қадрият, анъана, дедик. Ана шундай улғу ният билан яратилаётган боғ ўртасида қад ростлайдиган “Истиқлол” мажмуаси миллий давлатчилигимиз тарихининг 3 минг йиллик ўтмишидан сўзлаб турувчи бетақор масканга айланади. Бу қўтлуғ дароҳқа қадам қўйган ҳар бир меҳмон, ҳар бир ватандошимиз янги Ўзбекистон жамолани кўради. Унинг ўтмиши, босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида тўлиқ тасаввурга эга бўлади. Бу ошвндаги ҳар бир кўрғазма, экспонат ўзи ҳақида сўзлайди.

Ушбу дароҳқа боққан одам мамлакатимизни ривожлантиришнинг (Ҳа-

юксак ғамхўрлик ва эътибордан айна кунда бугунги ёшларимиз кенг фойдаланмоғи ва шунга муносиб жавоб бермоғи лозим.

Агар таъбир жоиз бўлса, давлатимиз раҳбари бу боғни бунёд этишга киришишдан олдин юртимиз кексалари дилида шукрона, дуолар боғини яратди. Ёшларимиз қалбида ўзига, миллати, давлати қудратига ишонч юз очди. Умум-миллат маърифати учун китобхоналар боғи яратилди.

Янги Ўзбекистоннинг янги боғидан қўтлуғ рамазон шукҳи билан офтобланиб турган шу кунларда янги Ўзбекистоннинг янги боғига тамал тоши қўйилишида ана шундай теран ҳикмат бор. Зеро, бу боғ қаршида, йўлнинг нариги томонида Ўзбекистон ёшлари учун Олимпия шаҳарчасининг бунёд этилиши, ундан қўйи-роқда Халқаро аэропорт қурилиши, халқ бахту саодати, унинг ёшлари, истиқболлини ўйлаб қилинаётган бе-баҳо ниятлар ижобатида. Бундай гўзал боғларнинг келажақда ҳар бир вилоятда яратилиши юрт раҳнамосининг истиқбол режалари нақадар ёруғ ва бардавом эканидан далолатдир. Табиийки, биз, ижодкорлар учун янги Ўзбекистоннинг ҳар бир гўшасида олиб борилаётган бетақор хайрли ишлар қалбимизга кўр, қаламимизга нур беради.

Халқимиз бежиз “Яхшидан боғ қолади”, демайди. Ўзбекистоннинг янги боғлари эса ана шу ёруғ ниятларнинг меваси. Бу боғлар ичра гўзалликка ошуфта инсонларнинг тилларидан тўкилган дуолар унинг бунёдкорларига, раҳнамосига йўлдош бўлсин, эш бўлсин, деган хуш ният ила фикримизни мухтасар қиламиз.

*Эзу ишлар боболардан мерос бизга,
Тул кўрганлар улар боқиб босган изга.
Жўр бўлишдан эли айтган ушбу сўзга:
— Йиллар оша ўтиб келган бу сабоқлар,
Авлодларга мерос қолсин биздан боғлар.*

*Қалб кўзуси гул баргидан яралгандир,
Шу кўзудан мушк анбар таралгандир.
Одамизод гўзалликка яралгандир,
Тил маҳд этган ҳар бобонини дил сўроқлар,
Авлодларга мерос қолсин биздан боғлар.*

*“Боғи Беҳишт”, “Боғи Баланд”, “Давлатобод”,
Темур бобо ҳимматидан эрур бунёд.
Етти аср ўтса ҳамки, эттир ёд,
Тоғлар бошин қўёш силар, нур тароқлар,
Авлодларга мерос қолсин биздан боғлар.*

*Аждодларнинг ўчмайдир ҳеч чироғи,
Шундай чироқ — Ўзбекистон янги боғи,
Хуш дуодан қалқир асли дил булоғи,
Элим деган миллат мардин эл ардоқлар,
Авлодларга мерос қолсин биздан боғлар.*

ИНСОН АЗИЗ, ХОТИРА БАРҲАЁТ

УРУШ БОЛАЛАРИ

“БАХТЛИ БОЛАЛИК”НИ ҚАНДАЙ
ХОТИРЛАЙДИ?

Уруш бошланганда, мен бир ярим, онам йигирма тўрт, отам эса ўттиз олти ёшда эдик. Отам 1941 йилнинг сўнгида урушга кетган. Онам иккинчи фарзанди туғилишини кутар, биз кекса, кўзи ожиз буваимиз билан қолдик. Нима бўляпти, отам қаерга кетди, нега ҳамма йиғлаяпти... Ҳеч нарсани тушунмасдим.

Бу саволларга жавобни улғайганимда, яъни оилани, фарзандли бўлганимда тушунганман. Шунда бир кун ҳам ишламаган, қандай қилиб пул топишни билмаган 24 ёшли онамнинг елкасига нечоғлиқ масъулият юки тушганини сезиб юрагимга оғриқ қиради. Онам оилага озиқ-овқат келтириш учун ўзининг бор бўюмларини сотди, нималаргадир алмаштирди. Лекин бу атиги бир-икки ойга етди, холос. Шу вақт ичида онамнинг кўзи ёриди, қиз фарзанд дунёга келди. Отам фронтдан соғ-саломат қайтиб келишини ният қилиб, қариндошларимиз синглимнинг исмини Хурсаной қўйишди.

Уч ёшимдан урушнинг кўркнчли даҳшатларини англай бошладим. Сабаби, биз яшаган эски шаҳарга (“Ҷақичмон” маҳалла) бозор жуда яқин эди. У ерда одамлар ўзаро янгиликлар алмашишар, кўпчилик оилалар “қора хат” олар эди. Аёлларнинг кучли йиғиси ҳали-ҳали қулогим остида жаранглайди. Маҳаллий аҳоли иложи борица, урушда вафот этганларни хотирлаш маросимини ўтказишга ҳаракат қилар эди.

Уруш вақтида онам барча яқин қариндошларини битта оилага жамлади. Оналари Ғафиро, икки қизлари, ўғиллари Сайёрни Сталинободдан (ҳозирги Душанбе), Зайнаб холамнинг ўғиллари Иzzатни Самарқанд шаҳридан қўчириб келди. Қариндошларим очликдан ўлмаслиги учун кийим тикадиган кичик устхона ташкил этишга қарор қилди. Тайёр маҳсулотни Оҳангаронга олиб бориб, бозорда бугдой, сариёғ каби озиқ-овқатларга алмаштирар эди.

Кичкина ҳовлимиз — учта хона, ошхона ва айвондан иборат бўлиб, унда 11 киши яшар эдик. 1942 йилда бизга Украинадан эвакуация қилинган уч кишидан иборат оилани қўшиб беришди. Оила бошлиғи Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш заводида ишлар эди. Мазкур корхона аслида 1932 йилда Москванинг Химки шаҳрида ташкил этилган Фуқаролик ҳаво флотининг 84-таъмирлаш заводи бўлиб, 1941 йилда Тошкентга эвакуация қилинган.

Шаҳарда Россия, Украина, Беларусунинг ўтли-оловли жанг ўчоқларидан келтирилган болалар учун “одатий” ва “урмон мактаблари” уйлари пайдо бўлди. Мен ҳам болалар боғчасига бордим, у ерда турли миллат болалари, айниқса, яҳудий, татар, руслар кўп экан. Ҳаммамизни фақат бир фикр бирлаштирар

қиладиган кичик-кичик устхона (артел) ташкил эта бошлади. Ўзбек ва рус тилида гаплаша оладиган татар миллати вакиллари эса кўпроқ мактабларда, шаҳар ва туман маъмуриятида фаолият олиб борарди.

Уруш тугаганини кўчада радио орқали эшитдик. Ўша давр кишилари овози ҳаммамизга таниш бўлган бошловчи Левитаннинг “Совинформбюро хабар беради”, деган сўзларини унутмайдик. Айниқса, 1945 йил 9 май кунини “Совинформбюро хабар беради: фашистлар капитуляция эълон қилди”, деган ахборотидан сўнг 2-3 дақиқа сукунат ҳукмронлик қилди. Сўнгра қувонч, хурсандчилик, кўз ёшлар кексаларнинг яқинлари соғ-саломат қайтиб келишларини сўраб қилган дуолари билан қоришиб кетди...

кўлсиз. Уларнинг тирик эканидан ҳамма хурсанд эди. Радиода уруш ҳақида қўшиқлар янграр, Симонов, Ғафур Ғулом, Ҳамид Олимжон каби шоирларнинг шеърларини ўқийшарди.

Мен эса отамни кутардим. Ҳеч қандай хабар йўқ. Онам билан Октябрь туман ҳарбий қўмитасига Германиядан поездлар яна қачон келиши тўғрисида маълумот олиш учун тез-тез боғганимиз ханузгача эсимда.

Отам бутун уруш давомида алоқа бўлинмаларида хизмат қилди, Сталинград, Украина, Польша, Германиягача етиб борди. Қатор медаллар билан тақдирланди. Айниқса, Германия устидан қозонилган ғалаба шарафига армия бош қўмондони Г. Жуков томонидан “Қизил армия аскари Ашурбаев Абдухалик”ка берилган фахрий ёрлиғи жуда қадрлайман.

Отамни савдо соҳаси мутахассиси бўлгани, жун, чарм ва мўйна бўюмлар сифатини аниқлашда катта тажрибага эга эка-



ни сабабли уруш тугаганидан сўнг СССРга ҳарбий кийимлар (трофейный)ни юбориш учун ишгоқ қилинган қўшинлар таркибида қолдиришган.

1946 йил февраль ойининг охирида урушдан қайтган отам билан дийдорлашув эсимда... Ёмғир ёғаётганди. Барчамиз ҳовлига чиқиб, отамнинг баргига отилдик. Ҳамма яқинлар бор, аммо отам кўзлари билан Хурсаной синглимни қидирар эди...

Кейинчалик оиламизда яна уч қиз ва бир ўғил дунёга келди. 1947 йилда К.Ворошилов номидаги 46-мактабга бордим. У ерда, асосан, эвакуация қилинган, Ленинграддан келган мутахассис ўқитувчилар дарс берарди. Мактабда ўқиш, қурилиш майдончаларида машқ қилиш, нон, гўшт навбати, пахта ва сабзавотларни йиғишда қатнашиш... Буларнинг барчаси “бахтли болалигимиз” эди. Шакар ва конфетни 10 ёшимда биринчи марта татиб кўрганман.

Меҳнатга бўлган тиришқоқлик ўз соҳамизнинг мутахассиси бўлишимизга ёрдам берди. Мутахассислигим бўйича муҳандис-гидролог бўлдим.

Одамлар бахтли бўлишни хоҳлайди. Болаларни бахтли қилиш учун нима қилиш керак? Фақат битта жавоб бор: бизнинг болаларимиз жуда бахтли. Шукрим, уруш йўқ, ночорлик тавишини йўқ. Улар биз, “уруш болалари” орзу қилган, аммо эришмаган ҳамма нарсасига эга.

Ватанга муҳаббат, оилани севиш, бу — бахт. Биз болалар ва оила билан кўпроқ вақт ўтказишимиз керак. Бугунги болаларни ажаблантириш ва чинакамига қувонтириш қийин. Уларда ҳамма нарсаси бор. Бахтли болалик ота-она меҳридан, оила бахтидан яралди. Тинч-осойишта тоғ оттириш, ўз меҳнатинг билан фаровонликка интилиб яшаш кераклигини таъкидлашдан чарчаманг, дегим келади.

Ҳилола НИКАДМБАЕВА,
Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникациялар
университети бўлим бошлиғи, доцент

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока”
газеталари таҳририяти” ДУК

МУАССИС:
Ўзбекистон Республикаси
Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Салим ДОНИЁРОВ

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-80 Эълолар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 236. Буюртма — 1443.

Ҳажми — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими А2.** Баҳоси келишилган нарҳда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Абдурауф Қоржоев
Мусахҳи: Малоҳат Минбоева
Дизайнер: Хуршид Абдуллаев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбўтчилик кўчаси, 32-уй

ЎзА яқуни — 23:05 Тошпирилди — 00:50